

STOMATOLOGIYA

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

ISSN 2091-5845

№ 3
(80) 2020

26

Диагностика травматической окклюзии при генерализованном пародонтите

50

Профилактика кариеса зубов детей младшего школьного возраста

74

Применение элайнеров перед протезированием при вторичных деформациях зубного ряда у детей

ОРГАНИЗАЦИЯ, ЭПИДЕМИОЛОГИЯ И ИСТОРИЯ

Усманбекова Г.К., Ризаев Ж.А. Ўрта тиббиёт ходимларининг дипломдан кейинги таълимини ислох қилиш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари.....6

Охунжонов Х.Х., Садиқова И.Я., Расулова М.М., Жураева Н.И. Методы инновационных программ с эндогенным применением фторида для профилактики кариеса зубов.....9

ТЕРАПЕВТИЧЕСКАЯ СТОМАТОЛОГИЯ

Хасанова Л.Э., Фаттахов Р.А., Ризаев Ж.А. Проявление глоссалгии у лиц с синдромом эмоционального выгорания.....13

Бекжанова О.Е., Алимова Д.М. Сравнительный анализ цитогенетических изменений клеток букального эпителия у пациентов с рубцующейся формой хронического рецидивирующего афтозного стоматита с различной наследственной отягощённостью.....15

Раимжонов Р.Р., Садыкова И.Б., Йулдошев А.А.С. Применение биологической пасты Биодент для сохранения жизнеспособности пульпы.....19

Тоиров Э.С., Зоиров Т.Э., Абсаламова Н.Ф. Совершенствование лечения патологии околозубных тканей у больных системной красной волчанкой.....21

Шербоева М.Х., Охунжонов Х.Х., Расулова М.М., Садиқова И.Я. Диагностика травматической окклюзии при генерализованном пародонтите.....26

ХИРУРГИЧЕСКАЯ СТОМАТОЛОГИЯ

Ярмухамедов Б.Х., Амануллаев Р.А., Газиева Э.В., Тургунов А.А., Меликузиев Т.Ш. Особенности состояния костной ткани при дентальной имплантации у пациентов с соматическими заболеваниями.....29

ОРТОДОНТИЯ

Нигматова И.М., Нигматов Р.Н., Нодирхоннова М.О., Мавлянова М.А. Лечение вертикальных аномалий с использованием LM-активатора у детей с нарушениями функции речи в периоде сменного прикуса.....32

Фозилов У.А., Ризаева С.М. Ортодонтик даволашда кариеснинг ривожланишини Бухоро вилояти ҳудудлари негизда ўрганиш.....36

СТОМАТОЛОГИЯ ДЕТСКОГО ВОЗРАСТА

Азимов А.М., Азимов И.М. Ультразвуковая остеометрия при острых одонтогенных воспалительных заболеваниях.....38

Камилов Ж.А., Акбаров А.Н. Особенности прорезывания постоянных зубов у детей среднего школьного возраста города Ташкента.....42

В ПОМОЩЬ ПРАКТИКУЮЩЕМУ ВРАЧУ

Усмонов Р.Р., Хидирова Д.Т., Мансуров А.А., Эшбадалов Х.Ю., Махкамova Ф.Т. Хирургическая подготовка полости рта к зубопротезированию.....45

Жураева Н.И. Эффективность применения

THE ORGANIZATION, EPIDEMIOLOGY AND HISTORY

Usmanbekova G. K., Rizaev J. A. Features of the processes of reforming postgraduate training of secondary medical staff6

Okhunchonova Kh., Sadikova I.Ya., Rasulova M. M., Zhuraeva N.I. Methods of innovative programs with endogenous use of fluoride for the prevention of dental caries.....9

THERAPEUTIC DENTISTRY

Khasanova L.E., Fattakhov R.A., Rizaev J.A. The manifestation of burning mouth syndrome in individuals with burnout.....13

Bekzhanova O.E., Alimova D.M. Comparative analysis of cytogenetic changes in buccal epithelial cells in patients with a scarring form of chronic recurrent aphthous stomatitis with various hereditary burdens.....15

Raimzhonov R.R., Sadykova I.B., Yuldoshev A.S. Application of biological paste Biodent to preserve pulp Viability19

Tairov E.S., Zoirov T.E., Abzalimov N.F. Improving the treatment of diseases of periodontal tissues in patients with systemic lupus erythematosus21

Serbaeva M.H., Konanova H.H., Rasulov M.M., Sadikov I.Y. Diagnostics of traumatic occlusion in generalized periodontitis.....26

SURGICAL DENTISTRY

Yarmukhamedov B.Kh., Amanullaev R.A., Gazieva E.V., Turgunov A.A., Melikuziev T.Sh. Features of the state of bone tissue during dental implantation in patients with somatic diseases.....29

ORTHODONTICS

Nigmatova I.M., Nigmatov R.N., Nodirkhonova M.O., Mavlyanova M.A. Treatment of vertical anomalies using LM-activator in children with speech disorders in the period of replacement bite.....32

Fozilov U.A., Rizaeva S.M. Study of the development of caries during orthodontic treatment in the districts of Bukhara region.....36

PEDIATRIC DENTISTRY

Azimov, A.M., Azimov I.M. Ultrasonic osteometry in acute odontogenic inflammatory diseases.....38

Kamilov F.A., Akbarov A.N. Features of eruption of permanent teeth in children of secondary school age in the city of Tashkent.....42

AID FOR PRACTICING DOCTORS

Usmonov R.R., khidirova D.T., Mansurov A.A., Eshbadalov Kh.Yu., Makhkamova F.T. Surgical preparation of the oral cavity for dental prosthetics.....45

Zhuraeva N.I. Effectiveness of the use of glass

ЎРТА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ ДИПЛОМДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМИНИ ИСЛОХ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



¹Усманбекова Г.К., ²Ризаев Ж.А.

¹Тошкент давлат стоматология институти, ²Самарқанд давлат тиббиёт институти

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш босқичида, тиббий таълим тизимини дипломдан олдинги ва кейинги даражаларда модернизация қилиш муҳим ва долзарб аҳамиятга эга. Соғлиқни сақлаш тизимининг самарали ривожланиши кўп жиҳатдан мутахассисларнинг касбий даражаси ва уларни тайёрлаш сифатига боғлиқ [1, 3]. Республикамизда ўрта тиббий таълим сифатини такомиллаштириш мақсадида ислохотлар, инновациялар, янги технологияларни жорий этиш каби ишлар амалга оширилмоқда [4, 5, 7, 8].

Барчага маълумки, тиббий ходимларнинг, шу жумладан ҳамширалар, тиш техниклари, тиббий лаборантларнинг фаолияти тиббий ёрдам сифати ва унинг якуний натижаларига таъсир қилувчи асосий омиллардан биридир. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳамширалик таълимининг «асосий» базавий тайёргарлик, малака ошириш ва олий ҳамширалик таълимини ўз ичига олган кўп босқичли тизими яратилган, аммо дипломдан кейинги узлуксиз таълим масалалари долзарблигича қолмоқда [2, 7, 10, 14].

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизими олдида турган кўпгина муаммоларни ҳал қилиш кўп жиҳатдан тиббиёт ходимларининг малакасига, уларни ўқитишнинг энг самарали шаклларида фойдаланган ҳолда кредит-модуль тизими бўйича узлуксиз таълим беришга боғлиқ [4, 6].

Ҳамшираларни даволаш-профилактика муассасаси шароитида ўқитиш ўзига хос хусусиятларга эга:

- ўзини-ўзини бошқарувчи, мустақил шахс сифатида англай бошлайди;
- ўзи ва ҳамкасблари учун муҳим таълим манбаига айланивчи катта ҳаётий, касбий, ижтимоий тажриба захирасини тўплайди;
- унинг таълим олишга тайёрлиги (мотивацияси) ҳаётий муҳим муаммоларини ўқув

фаолияти ёрдамида ҳал қилиш ва аниқ мақсадга эришишга интилиши билан белгиланади;

- у олган билими, кўникма ва фазилатларини зудлик билан амалга оширишга интилади;
- унинг ўқув фаолияти маълум миқдорда вақтга, муҳитга, касбий, маиший ва ижтимоий шароитларга боғлиқ бўлади.

Курс тингловчиси (ҳамшира) ўқув фаолиятини у ёки бу тарзда маош тўланадиган меҳнат фаолияти билан бирга олиб боради.

Ўрта тиббий ходимларнинг дипломдан кейинги таълим жараёнида қуйидаги муаммолар аниқланди, жумладан:

- бошланғич билим, яъни таълим даражалари бўйича фарқланишнинг йўқлиги;
- ўз фаолиятида кундалик режалаштириш бўлмаганлиги натижасида 5-10 йил фаолият олиб боргандан сўнг келгусида таълим олишга эҳтиёж ва мотивациянинг мавжуд эмаслиги;
- янги билим олишдан кўра ўқишни тугатганлиги тўғрисидаги ҳужжатни олишга қизиқиш;
- “ҳамширалик жараёнини” ташкил этиш ва бошқариш масалалари бўйича назарий ва амалий кўникмаларнинг сустлиги;
- “ҳамширалик ташҳиси”ни қўйишда фикрлашнинг етишмаслиги ва уни “шифокор ташҳиси” билан алмаштириш;
- моддий-техник базанинг етарлича таъминланмаганлиги (ўқув хоналари, компьютерларнинг етишмаслиги), натижада эски нуқтаи назар билан ишлаш, яъни мустақил мутахассис эмас “шифокор ёрдамчиси” сифатида;
- 5 йилда бир марта малакасини ошириш;
- берилган мавзунинг моҳиятини тушуниш, шунингдек тингловчининг мустақил ишларини тўғри ва малакали бажариш ва тақдим этишни хоҳламаслик;
- ходимларни ўқитиш учун бевосита масъул бўлган тиббий муассасалар томонидан дипломдан

кейинги таълим масалаларига масъулиятсизлик ва бепарволик билан муносабатда бўлиш.

Натижада, бутун соғлиқни сақлаш тизими фаолиятининг самарадорлиги ва натижаси ўрта тиббиёт ходимларининг фаолиятига боғлиқ.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ва тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш тизимидаги ислохотлар муносабати билан 2019 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тиббий ва фармацевтика таълими ва фан тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4310-сонли қарори имзоланди [7, 9,11].

Ушбу қарорнинг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юклатилган ваколатлар ва мажбуриятлардир:

- тиббиёт ва фармацевтика кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг марказлаштирилишига барҳам бериш, уларнинг узлуксиз касбий таълим билан тўлиқ қамраб олиншини таъминлаш;

- узлуксиз касбий таълим тизимида тиббиёт ва фармацевтика кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари устидан ягона ташкилий ва ўқув-услубий раҳбарликни таъминлаш;

- 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун муаммоларга йўналтирилган модулли ўқув дастурлари, семинар, конференция, вебинар, маҳорат дарслари, симуляцион тренинглар ва бошқа ўқитиш курслари негизида ҳар йили малака оширишни назарда тутувчи кредит-модулли ўқитиш тизимига асосланган, узлуксиз касбий таълим тизимини жорий этиш;

- тиббиёт ва фармацевтика кадрларини узлуксиз касбий таълим олиши тизими асосида ўқитиш ҳуқуқи белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган қуйидаги муассасаларга тақдим этиш:

тиббиёт ва фармацевтика, шу жумладан нодавлат олий таълим муассасалари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги «Тиббий-санитария соҳасида кадрлар тайёрлаш ва муттасил касбий ривожланиш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» №ПП-4666-сонли қарори билан узлуксиз касбий тиббий таълимда йиғилган кредитлар ҳажми аниқланди:

ўрта махсус маълумотли тиббий ва фармацевтика ходимларига 5 йил давомида 140 кредит тўплаш керак, яъни, йилига камида 28 кредит. 140 кредитлар давлат тиббиёт муассасалари ходимлари томонидан тегишли

давлат тиббиёт таълими муассасаларида ва ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, нодавлат тиббиёт ташкилотлари ходимларига - пуллик асосда семинар, конференция, вебинар, маҳорат дарслари, симуляцион тренинглар ва бошқа машғулотларда қатнашиш орқали йиғиб борилади [6, 8, 13].

Бундай ўқитиш усули ўқитувчи учун ҳам, малака ошириш курслари тингловчилари учун ҳам самарали бўлади ва у қуйидагича ифодаланади:

1. Билим даражасининг базавий даражадан юқори бўлиши;

2. Олинган маълумотларга ёки керакли маълумотларни излаш жараёнига ижодий ёндошишни;

3. Умумамалиёт ҳамширалари аҳоли ўртасида санитар тарғибот, тушунтириш ишларини олиб боришларида жуда муҳим бўлиб, оғзаки нутқни ривожлантириш, мулоқот маданиятини ошириш.

4. Маданий даражани кўтариш.

Бундай ўқитиш услубининг натижалари ўқитувчини аввалгидай фақатгина маълумот ташувчи сифатида эмас, балки, психолог, замон билан ҳамнафас ижодий илмий ходим сифатидаги маҳоратининг кўрсаткичидир [11, 12,14].

Сифатни баҳолаш курслар тугаганидан сўнг сўров натижалари билан белгиланади.

Замонавий шароитда тиббий муассасаларда амалий тажрибага эга бўлган дипломли ҳамшираларни ўқитиш босқичма-босқич, яхлит, фаолиятининг охиригача давом этадиган жараёндир. Бугунги кунда, юқори даражадаги ҳамширалик жараёнини ташкил этиш ва бошқариш учун, ўқитишнинг турли шакллари ва усулларида фойдаланган ҳолда, ҳамшираларни узлуксиз малакасини ошириш ва ўз-ўзини ривожлантириш учун рағбатлантиришни кучайтириш зарур.

Адабиётлар рўйхати:

1. Алтынбекова У.А., Рамазанова М.А., Кашафутдинова Г.Т., Абдимуратова Б.К. Совершенствование компетентностного подхода в подготовке бакалавров сестринского дела // Вестник Казахского Национального медицинского университета. – 2016. – С. 230-233.

2. Глыбочко П.В. Непрерывное профессиональное образование врачей: опыт внедрения инновационных технологий. Медицинское образование и вузовская наука. 2014; 1 (5): 4–7.

3. Егорова И.А., Шевченко С.Б., Куличенко В.П., Казаков В.Ф., Турзин П.С. Инновационные образовательные технологии в непрерывном медицинском образовании врачей. Медицинское образование и профессиональное развитие. 2013; (2–3): 154–5.

4. Кузнецова О.В. и др. От сертификации к аккредитации: история развития отечественного медицинского образования и перспективы перехода к системе НМО // Медицина экстремальных ситуаций. – 2018. – Т. 20. – № 4. – С. 551-557.

5. Малов И.В. и др. Современные тенденции непрерывного медицинского и фармацевтического образования // Сибирский медицинский журнал (Иркутск). – 2017. – № 2. – С. 53-55.

6. Постановлении Президента РУз от 18 декабря 2009 года №ПП-319 «О совершенствовании системы повышения квалификации и переподготовки медицинских работников». С. 19.

7. Постановлении Президента РУз от 6 мая 2019 года №ПП-4310 «О мерах по дальнейшему развитию системы медицинского и фармацевтического образования и науки». С. 29.

8. Постановлении Президента РУз от 7 апреля 2020 года №ПП-4666 «О мерах по внедрению совершенно новой системы подготовки и непрерывного профессионального развития кадров в медико-санитарной сфере». С. 13.

9. Свистунов А.А., Улумбекова Г.Э., Балкизов З.З. Непрерывное медицинское образование для улучшения качества медицинской помощи. Медицинское образование и профессиональное развитие. 2014; [1 (15)]: 21–31.

10. Свистунов А.А., Шубина Л.Б., Грибков Д.М. Возможности новой системы аккредитации специалистов в здравоохранении. Виртуальные технологии в медицине. 2015; 2 (14): 6.

11. Хабиева Т.Х., Шокабаев Б.А., Сейткужанова А.Г., Лебаева Г.К. Проблемы непрерывного последипломного образования средних медработников и современная технология обучения: Вестник № 1- КазНМУ, 2016- – С. 568-569

12. Чеснокова И.В. Структура и основные принципы непрерывного медицинского образования на современном этапе // Развитие образования. – 2019. – № 1 (3). – С. 58-60.

Chong K., Francis S., Cooper, and Abdullah K.L. Current Continuing Professional Education Practice among Malaysian Nurses // Nursing Research and Practice 2014.

13. Musayev U.Yu. Scientific Basis of Organization and Prospects of Innovative Technologies of Interactive Education in Dentistry in Postgraduate Education // International Journal of Advanced Science and Technology, Vol. 29 No. 7 2020. P. 2176-2182

Хулоса: Мақолада даволаш профилактика муассасаларининг ҳамшираларини ўқитишнинг ўзига ҳос хусусиятлари ва муаммолари муҳокама

қилинади. Дипломдан кейинги сифатли, замонавий технологияларни қўллаган ҳолда олиб бориловчи таълим, даволаш муассасаларини аҳолига кенг миқёсдаги тиббий хизматлар кўрсатувчи ҳамширалик ишининг малакали мутахассислари билан таъминлаб беради.

Калит сўзлар: ҳамшираларни дипломдан кейинги ўқитишни ўзига ҳос хусусиятлари, ўқитишнинг замонавий ахборот-коммуникация усули, нутқ ва касбий кўникмаларни такомиллаштириш ва ривожлантириш, тингловчиларнинг мустақил иши, ижодий ёндашув, ўқитиш мотивациясини фаоллаштириш (ўқишга бўлган интилишини рағбатлантириш)

Аннотация: в статье рассмотрены особенности и проблемы обучения среднего медперсонала ЛПУ. О возрастающей роли последипломного образования, содействующей профессиональной и личной социализации. Качественное последипломное образование с применением современных технологий обучения обеспечивает медицинские учреждения квалифицированными специалистами сестринского дела, готовыми к оказанию широкого спектра медицинских услуг населению.

Ключевые слова: особенности последипломного обучения медсестёр, современный информационно-коммуникативный метод обучения, улучшение и развитие речевых и профессиональных навыков, самостоятельная работа слушателей, творческий подход, активация к мотивации обучения

Abstract: the article deals with the features and problems of teaching secondary medical staff of medical institutions. About the increasing role of postgraduate education that promotes professional and personal socialization. High-quality postgraduate education with the use of modern training technologies provides medical institutions with qualified nursing specialists who are ready to provide a wide range of medical services to the population.

Key words: features of postgraduate training of nurses, modern information and communication method of training, improvement and development of speech and professional skills, independent work of listeners, creative approach, activation to the motivation of training